



# **Мен фарзандимнинг келажагига бефарқ эмасман!**





Президентимиз ташаббуси билан жойларда ўтказилиб келинаётган "Оталар ииғилиши" бугун Узун туманининг "Саховат" маҳалласи 38-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди."Мен фарзандимнинг тақдирига бефарқ эмасман" чақириғи остида ўтган тадбирда туман ҳокими Хабибулла Бозоров сўзга чиқиб, ииғилганларга дунёда кечаётган вазиятлардан тўғри хулоса чиқаришга ва фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз, уларнинг илмли, баркамол авлод бўлиб етишишлари учун бор куч ғайратимизни сафарбар этиш зарурлигини айтиб ўтди.







Бугунги қунда ёшлар ўртасида чет әлга бориб, ишлаб, тезда бойиб кетиш хом-хаёллари бир мунча авж олган. Аммо бу айтилганидек хом-хаёл эканлиги у ерларда тил билмаслик, касб билмаслик, ноқонуний миграция қандай оқибатларга олиб келиши, яқиндагина ўзга юрт-да бўлиб қайтган икки нафартуманимиз ёшларнинг ўзларидан эшитилди.





Бирок фарзандининг келажагидан кўнгли тўқ, қонуний йўл ва тегишли тил сертификати, керакли малака талабига эга бўлиб, чет элга кетган ёшларнинг оталари ҳам сўзга чиқиб, ўз фарзандларининг муваффақиятидан мамнун эканликларини айтиб ўтишди. Тадбир давомида "Дин ишлари бўйича қўмитаъ томонидан ишланган видео ролик намойиш этилди. Бундан йиғилганлар тегишли холоса чиқариш кераклиги таъкидлаб ўтилди.





Йиғилиш сўнгига ўзининг намунали хулқи, аъло ўқиши билан тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётган бир гурӯҳ ўқувчиларнинг оталари диплом ҳамда китоблар тўплами билан тақдирландилар.